Ислом КАРИМОВ:

Ўзбек тожикка, тожик эса ўзбекка ҳеч қачон қарши бормайди. Комил ишонч билан айтишим мумкинки, икки миллатни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш йўлидаги ғаразли мақсадлар ҳеч қачон самара бермайди.

Хонаи тоҷику
ўзбек ҳамҳудуд,
Ўзбеку тоҷик
умре ҳамсуруд.
Шуд гулистон
дашту саҳрои Ватан,
Аз мароми ин
ду халқи ҳамвуҷуд.

Имомали РАҲМОНОВ:

Тожиклар ва ўзбеклар дўстлигига ҳеч бир сиёсий куч халал етказа олмайди.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 30 июнь, сешанба • № 77 (22.314).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Сўз ва фикр эркинлиги байрами

Мамлакатимизда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланди. Байрамни нафақат журналистлар ва матбаачилар, балки бутун халқимиз ҳуррият, озодлик, сўз ва фикр эркинлиги куни сифатида нишонлади.

Ўтган шанба куни пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғ одамлар билан ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Ушбу маданият ва истироҳат масканига республикамизнинг етакчи газета ва журналлари, нашриёт, телевидение ва радио ходимлари, матбаачилар, шунингдек, вазирлик ва идоралар, кўмиталар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, меҳмонлар тўпланди. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Тадбирни Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ҳамраиси Х. Дўстмуҳамедов очди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ахборот марказининг раҳбари С. Ҳакимов ўқиб эшиттирди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда журналистлар ва матбаачилар тўғрисида доимий ғамхўрлик қилинаётганини таъкидладилар. Президентимизнинг байрам муносабати билан йўллаган табриги бунинг яна бир яққол далилидир. Журналистлар бунга жавобан янгиликлар жарчиси, ислоҳотлар тарғиботчиси, давлат ва жамият ўртасида холис воситачи бўлишдек масъулиятли, айни вақтда шарафли вазифани сидқидилдан бажаришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Йиғилишда Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан эълон қилинган "Йилнинг энг яхши журналисти" танловида ғолиб чиққан журналистларга мукофотлар топширилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў.Раҳматов, Президентнинг Матбуот котиби А.Зиёев қатнашди.

Байрам иштирокчилари учун катта концерт намойиш этилди, турли томоша ва мусобақалар ўтказилди.

(ЎзА)

Исмсиз ихтиро

Деҳқон томорқасида янги ҳосилдор нав

Бу сурат бошқа бир мамлакатда эмас, айнан Ўзбекистонда, қандайдир бизга нотаниш экинзордан эмас, буғдойзордан олинган, десак ишонасизми? Балки ишонмассиз. Аммо, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида истиқомат қиладиган деҳқон Мардонбек Каримовнинг шахсий томорқасида бу ҳақиқат ястаниб ётибди. Бўйи 150 см. атрофида, 120 — 180 тагача донга эга бошоғи 20 см.дан узун, гектарига тахминан 100-110 центнер ҳосил бериши мўлжалланаётган, ихтирочи деҳқоннинг 4-5 йиллик меҳнати самараси бўлган бу нав айни кунларда 15 сотих майдонда, қуриб турганингиздек, мағрур бўй чўзиб турибди.

Халқимиз дастурхони тўкинлигининг, юрт фаровонлигининг ҳақиқий омили бўлган ғалла мустақиллигига эришиш мамлакатимиз иқтисодий ислоҳотлари кун тартибида муҳим ўрин тутишини, шунинг учун ҳам янги ва ҳосилдор буғдой навларини яратиш долзарб масала бўлиб турганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу янгилик ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги керак. Айниқса, соҳа раҳбарлари, уруғчилик билан шуғулланаётган олимлар мазкур кашфиётни зудлик билан оталиққа оладилар, дея умид қиламиз. Ким билади дейсиз, балки бу нав юртимизга Аллоҳнинг яна бир иноятидир, балки эрта-индин Ўзбекистонимиз далаларини ана шу ҳосилдор буғдой тўла эгаллар...

Ушбу шошилинч севинчли хабар ҳамда сурат эса матбуотда биринчи марта эълон қилинмоқда. Биз бу мавзуга яна қайтамиз.

Нурбек ТОШНИЁЗ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири

«Ўзбеклар яхшиликнинг қадрига етади»

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Тожикистон Республикаси ҳукумати ўртасида тузилган «Маданий ва ижтимоий соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисида»ги битимга кўра, шу йилнинг 29 июнидан 5 июлигача Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунлари бўлиб ўтади. Шу муносабат билан Тожикистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси Тожиддин МАРДОНОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Аввало, ўзбек диёрида Тожикистон кунларининг ўтказилиши икки давлат раҳбарларининг ташаббуси эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Ҳафта давомида Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида Тожикистондан келган таниқли маданият ходимлари, жамоатчилик намояндалари иштирокида турли учрашувлар, қўнгилли суҳбатлар, шеърият кечалари, жозибали куй-қўшиқлардан тузилган концерт дастурлари, шунингдек, «Туркистон» саройида «Тожикистон — мустақиллик йилларида» дея номланган фотосуратлар, китоб ва этнография кўргазмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси залида тасвирий ва амалий санъат кўргазмалари намойиш этилади. Тожикистонлик меҳмонлар Ёзувчилар уюшмаси, Байналмилал миллий-маданият маркази, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси ва бошқа кўзга кўринарли маънавият масканларида бўлишиб, биродарларимиз қўлга киритган ютуқлар билан яқиндан танишадилар.

Мен ушбу маданият кунлари ўта самарали, таассуротларга бой бўлишига ишончим комил эканлигини бемалол айта оламан.

Тожик кино санъатидан ўзбеклар ҳам баҳраманд бўлишган. Шу кунларда Тошкентдаги киночилар уйида тожик кино усталари яратган фильмлар намойиш этилади. Яна бир нарсани мамнуният билан айтишим мумкинки, тожиклар каби ўзбеклар ҳам севиб тинглайдиган санъат усталари Жўрабек Муродов, Давлатмурод Холов, Мастона Эргашева, Зафар Нозимов ҳамда «Лола», «Зебо», «Жаҳонаро» миллий ансамблларини мухлисларга завқу шавқ бағишлаши табиий.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг маданият маркази, десам муболаға бўлмайди. Ҳатто Ғарб давлатларидан келган меҳмонлар бу ердаги санъат ва маданият дурдоналари билан танишиб, ҳайратланишганининг ўзим гувоҳи бўлганман. Ўзимдаги қизиқиш сабаб, кўпинча театрларга тушиб тураман. Яқинда Аброр Ҳидоятов номидаги ёш томошабинлар театрида «Торсо қизнинг ишқи» спектакли намойиш этилди. Ишонасизми, бир ой давомида ўша асар саҳнадан тушмади. Демак, ўзбеклар яхши нарсанинг қадрига етишади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Юсуф ЖЎРАЕВ ёзиб олди.

2-бет

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Можаро қурбонлари

Шри-Ланка ҳукумати қўшинлари билан «Тамил Илама» (Озодлик йўлбарслари) жангарилари ўртасидаги жанглар давом этмоқда. Ўтган икки кун ичида 266 киши ҳалок бўлди.

Жанглар, асосан, Тамил жангарилари эгаллаб турган Манкулам шаҳри атрофида кечмоқда.

«Зумрад ороли» деб номланадиган Шри-Ланка заминида 15 йилдирки, фуқаролар уруши тўхтамаяпти. «Йўлбарслар» мазкур оролнинг шимолий қисмида ўзининг мустақил Тамил давлатини тузишни мақсад қилган. Шу вақтгача ушбу можаро туфайли ўн минглаб киши ҳалок бўлди.

Иқтисодий ўсиш сезилмоқда

АҚШ иқтисодиётининг ўсиш суръати йилнинг биринчи чорагида кутилганидан ҳам зиёд натижани кўрсатди. АҚШ савдо вазирлигининг ҳисоб-китобича, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кўлами биринчи чоракда 5,4 фоизга ўсган. Бу кейинги 15 йил ичидаги энг юқори кўрсаткичдир.

Мутахассисларнинг фикрича, иқтисодиётнинг бундай юқори суръатда ўсиши кундалик эҳтиёж моллари, янги технология ва турар жой қурилишига талабнинг ошгани билан изоҳланади.

Токио — энг қиммат шаҳар

Токио дунёдаги нарх-наво энг қиммат шаҳарлигича қолмоқда. Жаҳон иқтисодиётини тадқиқ қилиш билан шуғулланувчи «Экономист интелиженс юнит» ташкилоти дунёдаги йирик шаҳарларда маҳсулот ва хизмат турларининг нархини ўргангач, ана шундай тўхтамга келганини маълум қилди.

Тадқиқотлар натижасига кўра, Осака, Гонконг, Осло ва Цюрих шаҳарлари Токиодан кейинги ўринларда турар экан.

Музокараларга даъват

НАТО Бош котиби Хавьер Солана Косоводаги албанларни тезда ва ҳеч қандай шарт қўймай Югославия федерацияси хукумати билан музокараларни давом эттиришга чақирди. У ушбу баёнотни косоволик албанларнинг сиёсий раҳбари Иброҳим Руговой билан Брюсселдаги учрашуви пайтида айтди. Руговой эса учрашувдан кейин бу гапларни шарҳламади. Бундан учтўрт кун илгари эса Сербиянинг Косово вилояти худудида АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Ричард Холбрукни кузатиб бораётган автомобиллар колоннаси номаълум шахслар томонидан ўққа тутилган эди. Натижада машиналардан бирига зарар етди. Курбонлар йўқ.

Хато тан олинди

Хитой коммунистларининг собиқ раҳбари Чжао Цзиян партия етакчиларини 1989 йилда талабаларнинг демократик йўналишдаги қўзғолонини Тяньаньмень майдонида ҳарбийлар томонидан бостирилиши хато бўлганлигини тан олишга даъват этди. Намойишчиларни оммавий равишда қирғин қилиш инсон ҳуқуқларини поймол этишнинг мудҳиш кўринишидир. Чжао Цзиян эса талабалар ҳузурига боргани учун ўз вазифасидан озод этилиб, уй қамоғида сақланарди. Шу боис ҳам коммунистларнинг собиқ раҳбари компартиянинг сўнгги съезди делегатларига мурожаат қилди.

Шайх Аҳмад Ясин ҳарбий шифохонани тарк этди

Фаластиндаги мухолифатдаги «Ҳамас» ҳаракатининг маънавий раҳбари Шайх Аҳмад Ясин Қоҳирадаги ҳарбий шифохонани тарк этиб, яна ўзининг Ғазо секторидаги уйига қайтди. Исроил радиосининг хабарига кўра, Исроил ҳукмрон доиралари унинг қайтишига қаршилик кўрсатмайдилар. Аҳмад Ясин араб ва мусулмон мамлакатлари бўйлаб тўрт ойлик сафаридан сўнг ўз саломатлигини медицина кўригидан ўтказган эди. У ушбу сафари давомида «Ҳамас» ҳаракатини молиявий қўллаб - қувватлаш учун миллионлаб доллар маблағ йиғиб келди.

Қабулхонадан репортаж

Омонатга хиёнатми?

Сирдарё тумани халқ банки раиси Раҳмон Исроилов қабулхонасидамиз. Қабулхонада 35-40 нафарча одам навбат кутиб, ташқари чиқиб, ичкари кириб турибди. Чунки ҳамма бараварига кириб туришига жой ҳам йўқ. Бетартиб, шовқин-сурон, ҳамма асабий кайфиятда. Ҳаммадан бироз эриш туюлгани, 10 нафарча омонатчи бирданига «Раис ҳузурига» бостириб кириб кетди. Ярим соатларча чамаси баҳслаша-тортиша, сўнг хуноблари ошиб чиқишди.

Шу куни Раҳмон Исроиловни учратолмадик. Суриштирдик, кимдир «Тошкентга кетган» деса, яна бир ходим «Гулистонга, катта чақирганди», дейди. Ўрнига банк бош ҳисобчиси Йўлдош Абдурашидов омонатчилар билан «ҳисоб-китоб» қиларди.

Қабулдан чиққан омонатчиларнинг аксарияти тарвузи қўлтиғидан тушиб, руҳан чўкиб чиқиб кетишарди. Ҳа, десак, «Э, қўйинг, неча марта арз қилдик, фойдаси йўқ, ҳатто прокуратурадаям «ишлари кўрилаётган»миш. Натижаси йўқ. Арзимизни эшитганлар негадир бошлиққа учрашиб ими-жими бўлиб кетади» дейишди бир гуруҳ қариялар.

Аммо баъзи кекса аёллар кўзда ёш билан шикоят қилишарди. «Қачонгача бизни сарсон қилишади?» Эрта келинг» билан қорин тўймайди-ку?!» дейишарди улар.

Очиғи, уларнинг ҳақли эътирозларини эшитиб, омонатчилар шикоятини тахрирсиз чоп этяпмиз.

Абдужаббор Ҳусанов, 68 ёшда, пенсияда, Жиззах вилояти, Бахмал тумани, «Боғи шамол» жамоа хўжалигида истиқомат қилади.

— Узоқ йиллар шу ерда - Сирдарёда яшадим. Ҳозир Бахмалга кўчиб кетдик. Тошкентгача боришга «оёғим» етмайди.

Ёрдам беринглар, шу банкда 25 минг сўм пулим индексацияга ёткизилган. Тўғриси, келавериб чарчадим. Ҳар сафар кеп-кетиш учун 1000 сўмдан ортиқ йўл харажати сарфлайман. Бу бешинчи келишим. Қайтишда транспорт кутиб бир-икки кеча вокзалда тунашга тўғри келади. Қаричилик, буёғи соғлиқ ҳам кетган-да. «Пул йўқ, фалон пайтда келинг, дейишади». Келсам «Ия, пул тугаганди, энди яна...»

Хуллас, охирги келганимда: «Бўлмаса пул жамғармамни Бахмалга кўчириб беринглар, десам унгаям унашмайди. Яқингинада Президентимиз Қашқадарёдаги нутқида куйиб-пишиб гапирди. Бу танқид ҳаммага тегишли деб. Лекин бу банкдагилар қачон Президент нутқидан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишаркин?

Полвон Холмирзаев, 67 ёшда, пенсияда, Сирдарё тумани, «Синдоробод» жамоа хўжалигида яшайди.

— Бошлиққа киргандан кўра, арз-додимизни эшитинг. 22 минг сўм маблағим шу жамғармада, индексацияга ёткизилганди. Январдан буён кунора қатнайман, «пул йўқ» дейишади. Биз кексаларнинг шикоятини газетангизда ёзинг. Шояд ишда бироз ўзгариш бўлса.

Амир Ҳабибов, 75 ёшда, пенсияда, Сирдарё шаҳрида яшайди.

— Ишонсангиз, йил бошидан буён 26-чи бор келишим. Ҳар ўн кунда келиб «Пул келдими?» дея хабар оламан. Бирор марта «пулнинг устидан» чиқмадим. Индексацияга ёткизилган 32 минг сўм жамғармам бор эди. Билмадим, бизга ўхшаган пенсиядагиларга берилмаган пул қаёққа кетаркан?

Вера Колесникова, пенсияда, Сирдарё шаҳрида яшайди.

— Бошимга мусибат тушди — эрим оламдан ўтди. Қарз-ҳавола қилиб дафн этдим. Энди қарзларни тўлай деб, ҳар куни банкда сақланаётган арзимас пулимни (менга шуям катта маблағ!) ололмай ҳалакман. Ҳатто, дафн учун керак, деган арзимни эшитиб ҳам қилт этишмайди-я?! (Қария аёл ўксиб-ўксиб йиғлай бошлади).

Сайхунободлик Лочин Пардаев, сирдарёлик Сайфулла Оллоёров бўлса табиий офат юз бериб, уй-жойидан ажралиб, пулга зориққанидан шикоят қилади. Зоя Макунянц (Сирдарё шаҳрида яшайди), Абдуназар Деҳқонов... Хуллас, омонатчиларнинг, яъни шикоятчиларнинг ҳали рўйхатини анча давом эттириш мумкин. Дардлари битта: пул йўқ!

Бир гуруҳ омонатчилар билан қабулга кирдик. Бош ҳисобчи Йўлдош Абдурашидов бизни кулиб қарши олди:

— Келинг, келинойи, нима қилиб булар билан бошлашиб юрибсиз? Иш бор жойда камчилик бор. Кейин...

— Нега омонатчилар шикоят қилишяпти? Сабаби нима?

— Очиғи, пул оляпмиз. Вақтида борини тарқатяпмиз. Кўрсаткичимиз ҳам... Лекин сабабини айтолмайман, хўжайин йўқ. Бошлиқ келса, сизга сабабини маълум қиламиз.

Омонатчилар эса тинимсиз шикоят қилишяпти.

Яхшиси, «сабаби»ни уларга маълум қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ушбу танқидий мақолани газетада чоп этишга саҳифалаётганда сирдарёлик бир гуруҳ собиқ милиция ходимлари, афғон жангчилари номидан яна шикоят хати олдик. «Биз ойлик пенсия пулимизни шу 5996-банк орқали ҳар ойнинг 5-санасида олиш ўрнига ҳафталаб сабабсиз кечикиб оляпмиз» деб ёзишибди улар.

Омонатчилар арзини «Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири Саида ЙЎЛДОШЕВА ёзиб олди.

Иккиси қош-кўз азалдан — ўзбегим тожик билан

Сўз — анжуман қатнашчиларига

Эзгулик элчилари ва муштарак мақсадлар

Жўрабек МУРОДОВ, Тожикистон халқ артисти:

— Ҳар сафар соғиниб келаман шу юртни. Кўп-кўп концертлар берганмиз. Барибир ҳаяжонланаман. Чунки, ўзбек биродарларимга доимо янги қўшиқларимни тортиқ қилгим келади, ҳавасим ортади. Бугун Ўзбекистонда бошланган Тожикистон маданияти кунларининг алоҳида салмоғи бор. Санъат ҳадҳудуд билмайди, халқларни бир-бирига яқинлаштиради.

Маданият кунлари давомида ўзимнинг қўшиқларимни биродарларимга ички бир қониқиш билан тортиқ этаман. Қон-қардошлигимиз улкан чинор томирларидай илдиз отган. Одамлар юрагидаги дўстлик мана шундай борди-келдиларда қулф уради.

Акбар МИРРАЖАБОВ, Тожикистонда хизмат кўрсатган артист:

— Тошкентда ижодий сафарда илк бор бўлишим. Шундан ҳам бу сафар мен учун алоҳида маъсулиятли. Бу юртга келган заҳотиёқ сезганим — Тошкентда катта ўзгаришлар, бетакрор меъморий қиёфа, бир сўз билан айтганда, дунёдаги етакчи шаҳарлар қиёфасига тенглашгудек. Фусункор ўлкада азалий ҳис этганим — ўзбек халқининг бағрикенглиги.

Бугунги бошланган улкан анжуманга янги спектакль тайёрладик. Ўзим операчиман. Биламан, Ўзбекистонда операнинг ихлосмандлари кўп. Бу қадимий санъатнинг томашабинлари ўз навбатида ўта талабчан. Менда катта қизиқиш уйғотгани — ўзбек театрчилиги, операчилигининг ўзига хос тажриба, ижодий йўли бор. Бу санъатнинг жуда кўп ўзбек намояндалари ижодини кузатиб бораман.

Халқлар орасидаги маънавий кўприк — санъат асли эзгулик элчисидир.

Наҳидхоним ЗАЙНАЛПУР, скрипкачи:

— Мусиқа тилмочсиз ҳамма халқларга тушунарлидир. Скрипкачиман, турмуш ўртоғим Ҳасан Ҳайдаров хизмат кўрсатган артист. Бирга ижод қиламиз. Бугун бошланаётган маданият кунларидан катта ижодий илҳом олиб қайтамиз, деб умид қиламан. Ўзбек халқининг мумтоз куй-қўшиқлари, бой маданий меросидан ҳали кўп нарса ўрганишимиз мумкин. Мусиқа сеҳрли бир олам. Мен скрипка чалаётганимда қалбимда, аниқроғи тафаккуримда борини куйлайман. Халқдан олиб яна халққа улашаман. Бу улашганим на миллат, на ҳудуд, на мазҳаб танлайди, ажратади.

Халқларимизнинг қон-қардошлик ришталари маданият ва санъатимизга доимо мана шундай озуқа бериб келади.

Низом ҲАМРОБОЕВ, Тожикистонда хизмат кўрсатган артист:



— Тожик-ўзбек миллатининг маданияти, урф-одатининг замири битта. Биз гуруҳимиз билан ўзимиз яратган саҳна асарларимизни ўзбек халқига тақдим этмоқчимиз. Албатта, кичкинагина совғамиз— саҳна асарлари ўзбек халқига манзур бўлади, деган умиддаман. Бу тадбирлардан кейин ўзбек-тожик миллатларининг қон-қардошлиги, дўстлиги янада мустаҳкамланишига шубҳа йўқ.

Даврон АЛИМАТОВ, Тожикистон халқ артисти:

— Мен шундай шодиёнада қатнашаётганимдан бағоят хурсандман. Ўзим Тожикистон халқ артисти бўлсам-да, ўзбек шоирларидан Чустий, Абдулла Орипов, Ошиқ Эркин ва бошқа шоирларнинг шеърларини қўшиқ қилиб ижро этаман. Бизнинг тожик халқи ҳам ўзбек хонандалари қўшиқларини севиб тинглашади.

Жўрабек Муродов, Жўрабек Набиев, Бойму-ҳаммад Ниёзовлар қаторида Ўзбекистон халқ артистлари Фахриддин Умаров ва Абдулла Бозоровларни ўзимга устоз деб биламан.

Суҳбатни «Ўзбекистон овози» мухбири Бобомурод РАЙИМОВ ёзиб олди

Фарзона

Кошки

Кошкийди мен ўхшаш эсам шабнамга,
Бир кеча тунаб у гул билан, саҳар
Рози бўлиб қисқа умридан кетар.

Кўкатга ўхшасам, кошкийди, мен ҳам,
Қуёш ширасидан тўярдим бетин,
Анҳор ила суҳбат қурардим сокин.

Кошкийди ўхшасам саболарга мен,
Йўқ эди мени банд этиш имкони,
Тангликлардан ўтар эдим пинҳони.

Қачэн айлангай чарх мен учун танҳо?
Инсонман шодлику ғамларим ҳам бор,
Кўзларим тўрида гоҳида нам бор.

Гарчи кўргазмади кўп карам қисмат,
Ризоман яшашга ул берди имкон,
Мен ҳам чарх остида дам урдим бир он.

Нолимайман асло қисматдин, аммо,
Кошкийди ўхшасам саболарга мен,
Сиғинмасдим ўзга худоларга мен...

Тожик тилидан Паймон таржимаси

Эт билан тирноқмиз

Бизнинг Бўрбонлиқ қишлоғи аҳолисининг аксарияти тожиклар. Теварак-атрофдаги ўзбек қишлоқлари аҳолиси билан қуда-анда, қариндош-уруғ бўлиб кетган. Томчида қуёш акс этганидек, истиқлол йиллари мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан олиб борилган оқилона миллий сиёсатнинг ижобий натижаларини қишлоғимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Минг нафарга яқин ўқувчи таълим олаётган Абдураҳмон Жомий номидаги ўрта мактабда дарслар тожик тилида олиб борилади. Қишлоғимиздан чиққан жуда кўп ижодкорларни бутун Ўзбекистонда билишади. Республика матбуоти орқали кўпчиликка таниш шоирамиз Раънохон Исмоилованинг шеърлар тўплами ўтган йили чоп этилди. Қодиржон Юсупов, Олимжон Абдуллаев каби хушовоз хонандаларимизни бутун Фарғона водийсида севиб тинглашади. Турли илм даргоҳларида фан чўққиларини эгаллаётган ўнлаб олимлар, халқ хизматидаги шифокорлар, муҳандислар, ўқитувчилар ҳам қишлоғимиз фарзандларидир. Мустақиллик шарофати-ла бир неча йиллардан буён етишолмаган орзуларга эришдик. Яъни хонадонларимиз табиий газ билан тўлиқ таъминланди. Қишлоқ марказида 120 ўринли шифохона, маданият уйи, кичик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ўз она тилимизда таълим олиш, ишлаш, ижод қилиш учун барча шароитлар яратилган.

Ҳа, Ўзбекистон жуда кўп халқлар вакиллари фахр билан «Ўзбекистон — менинг Ватаним!» дея эътироф этаётган жаннатмонанд диёрдир. Туғилиб ўсган уйимиз, она қишлоғимизга муҳаббатимиз Ўзбекистонга муҳаббат ила уйғундир. Биз ўзбеклар билан бамисоли эт-тирноқдаймиз. Бу асрий дўстлик, қавм-қариндошлик ришталарини узадиган куч бу дунёда йўқ!

Собиржон БОЗОРОВ, Олтиариқ тумани санитария-эпидемиология станцияси врачи.

Дўстликдадир буюк кучимиз

— Бир пайтлар ўрта мактабда ўқиган йилларимиз ўқитувчиларимиз «ҳали тожик, ўзбек деган миллат бўлмайди», умуман миллат деган тушунчалар унутилиб, битта совет халқи деган ном қолади дея уқтиришарди. Албатта, бу фикрлардан қизил империянинг оғуси туфайли бир неча авлодлар заҳарланди. Бу маънавий заҳарланиш олдида илон заҳри ҳеч гап бўлмаса керак. Чунки илон заҳридан инсонни тиббий усулда фориғ қилиш мумкин. Аммо одамнинг онги заҳарланса, унинг давоси жуда қийин кечади.

Бу гапларни нега айтяпман? Негаки, собиқ империя даврида миллатлар ўртасидаги дўстлик ҳам сохталаштирилган, аслида Марказий Осиё халқларига «иккинчи даражали халқлар» сифатида қаралиши сир эмас эди. Аммо, ўтмиши бир, маънавий илдизлари бир, қон-қардош тожик ва ўзбек халқлари ўша қизил империя даврида ҳам буюк дўстлик ришталарини узган эмас.

Менинг миллатим тожик, аммо шуни ҳам фахр билан таъкидлашим жоизки, Ўзбекистондек келажаги буюк давлатнинг фуқаросиман. Шу диёрдаги гўзал Термиз шаҳрида яшайман. Шу ерда туғилдим, вояга етдим, оила қурдим. Ва, Худога шукрки, барча халқлар қатори эркин ва тотувликда яшамоқдамиз. Бу эса, Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг доно раҳбарлиги натижасидир.

Мен тожик бўлганим учун эмас, шу ўзбек юртининг фуқароси сифатида Тожикистонда бўлаётган нотинчликларнинг тезроқ бартараф бўлишига ишонаман ва ана шу икки халқ дўстлигини ҳамиша улуғлайман.

Иброҳим САФАРОВ, ишчи, Термиз шаҳри.

Биз — жигарбандларимиз

Таҳририятимизга юз ёшни қоралаган отахон кириб келди. «Менинг ҳам сизларга айтадиган гапим бор», — деди таклифимиздан сўнг ўриндиққа вазминлик билан чўкиб.

Восид ота Саидов 1907 йилнинг 1 сентябрида Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги «Қўрғон» қишлоғида туғилган. Маърифатли инсон. Умр йўлдоши Ойша ая 84 ёшда, 6 нафар фарзанди бор. Тўрт қиз, икки ўғил, невара-чевараларнинг буваси.

Умр фалсафаси: «Мен бой яшамадим. Лекин доимо маънавий қашшоқ бўп қолишдан чўчиб яшадим. Маънавий бойлик жигарбандликдадир».

Ана шундай қисқача танишувдан сўнг унга савол билан мурожаат қилдик.

— Ота, ҳаётингиздаги қайси воқеаларни кўпроқ эслайсиз?

— Кечагидек эсимда, 1933 йилнинг бошлари. Собиқ маориф вазирлиги 10 нафар ёшларни тожикистонликларнинг сўровига кўра ишга жўнатишга қарор қилганди. Шулар сафида мен ҳам бор эдим. Биз билан Файзулла Хўжаев хонасида узоқ суҳбатлашди. Сўнгра Йўлдош Охунбобоев қабул қилди. У киши Туронзамин халқларининг қадимий урф-одатлари, қон-қардошлиги хусусида гапира туриб: «Биламан, сизлар иссиқ гўшангизни ташлаб кетяпсизлар. Унутманг, Туронзамин битта Ватан, шу ватан халқлари — тожик, қирғиз, қозоқ, туркман ўзбекнинг жигарбандлари. Ўн кишисиз, лекин ўзбекнинг вакилисиз, фарзандисиз, демак ўзбекнинг номига ҳеч доғ туширманг.

Шу ниятда Душанбега жўнаб кетдик. Тожикистонда турли лавозимларда ишладим.

Тожиклар орасида ҳеч бегоналик сезмадик. Қизларимни узатдим, куёвларим ўша юртдан. Туз-насибам ўз юртимдан узилмаган экан. Ўғилларим билан кенгашдим. 1994 йилда Президент Ислом Каримовга хат ёздим. «Юртимдан манзил топайин» дедим. 60 йилдан сўнг... она-юртга қайтдим.

Кейинги пайтларда миллатлараро бузғунчилик кайфиятини уйғотувчи кимсалар турли хил иғвою бўҳтонлар тўқиётгани қулоққа чалинянти-да. Ўзбек доимо ўз жигарбандларининг яхши-ёмон кунида елкадош бўлган. Назаримда, кейинги пайтда жигаргўшалик ҳақида ёшларга камроқ уқтираётганга ўхшаймиз. Асл бойлик одамнинг хотиржамлигида, оиласининг тотувлигида, қўшнисининг тинчлигидадир. Шуни айтмоқчи эдим. Худо берса, 100 ёшни ҳам қоралаб қолдим. Ўтган умрга «қайрилиб қарасам» — асл бойлик жигарбандликда экан.

Саида БОНУ

Савобли иш

Сурхондарё вилоят ҳокими Жўра Норалиев ташаббуси билан хайрли ишга қўл урилди. Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги тўйига муносиб тайёргарлик кўриш, эски Термиздаги қадимий ёдгорликларни қайта таъмирлаш, ободончилик ишларини жонлантириш мақсадида Ал Ҳаким ат-Термизий номида махсус ҳисоб-китоб рақами очилди.

Бу савобли ишга ўз ҳиммати, хайр-саховатини қўшмоқчи бўлганлар эса вилоятда кўплаб топилади.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири

хатлар хатлар хатлар

Қурт қўнғизга айландими?..

Мажнунтолимни асрай олмадим. Сабаби пўстлоғининг ранги қорамтир бўларкан, қурт тушганини пайқамапман. Шу йил баҳорда уни кесиб ташладим. Аслида бу (яъни қуртлар) боботеракларнинг қушандаси бўлиб, ўзи Россия ўрмонларидан келган ғалати қурт экан. Бир кемирса борми, бутун бошли дарахтни еб тугатиши ҳеч гап эмас. Унга қарши курашиб кўрдик. Билган ҳамма усулларни қўлладик. Фойдаси бўлмади. Дарахт танасига чуқур кириб борарканми, дори унга таъсир қилмас экан. Оқибатда қуртлар сувараксимон мўйловдор қўнғизларга айланаркан. Буни ўзим сезиб қолдим. Томарқамда юзга яқин теракларим бор эди. Уларнинг бир нечтасига қурт тушганини кўрдим. Лат еган, кесилган жойларидан чиқаётган шираларда қурт личинкалари ҳам бор экан. Улар тўйинса, аста-секин қуртга айланиб, бошқа дарахтга ўтаркан. Хоразм, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги кўпгина теракзорларда ана шу қуртлар яшайди.

Ўзимча улар билан курашгандай бўлдим. Ёмон бўлмади, назаримда. Бир қанча дарахтларимни сақлаб қолдим. Лекин бу ҳақда олимларимиз чуқурроқ ўйлаб кўришса, қуртларга қарши курашиш йўлини топишса яхши бўларди. Бу билан республикамиз ёғоч-ўрмончилиги пойдеворини мустаҳкамлаган бўлардик.

Бахтиёр ТАНГРИБЕРГАНОВ, Беруний тумани.

Хартангми ёки Ҳартонг?

Менда таклиф бор

Буюк муҳандис Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигини кенг нишонлаш, бобомизнинг барҳаёт руҳини шод этиш борасида у вафот этган Челакдаги қишлоғи Хартангда амалга оширилаётган ишлар кўлами кундан-кунга ривож топмоқда.

Бироқ бу қишлоқнинг номи ҳақиқатдан ҳам Хартангми, деган савол ҳар бир кишини узоқ ўйлашга, фикрлашга мажбур этмоқда.

Маълумки, буюк олим дафн этилган қишлоқ атрофи аввал қамишзор ва тўқайзорлардан иборат бўлиб, ҳар хил қушлар, турли-туман ҳайвонлар, айниқса сайроқи какку қушлари фақат шу атрофда яшаган ва ҳозир ҳам мавжуд.

Бу қишлоқни «Ҳартонг» деб аташган бўлишса керак. Йиллар ўтиши билан «Ҳартонг» сўзини бузиб, «Хартанг» деб айтишган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Бу йил буюк ҳадисшунос бобомиз тўйи ўтказилишига қадар, республикамиз атамашунослари, турли мутахассислар ва кенг жамоатчилик иштирокида мунозара юритиб, қишлоқнинг ҳақиқий номи кашф этилса, нур устига нур бўлар эди.

Ғайбулла АШУРОВ, география фанлари номзоди, доцент

80 ёшли ижодкор

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, меҳнат фахрийси Бекназар Худойназаров тиниб-тинчимас отахон. У «Қизбиби садолари» фольклор ансамблини тузди. Ижодкор бу билан қаноатланмасдан «Бобо деҳқон», «Бир полвон таърифи», «Сарҳовузлар», «Ҳашарчилар, ҳормангиз», «Пахса ҳақида» қўшиқ ва ўйинлар яратди. Қадимда ўйналиб, сўнгра унутилиб кетган «Булулим-булулим», «Туялар карвони» ўйинини тиклтирди. Болалар ҳаётига хос «Очилди сирли олтин сандиқ» саҳна асарини ёзди. Ўз уйида маърифат ва маданият хонасини очишга муяссар бўлган отахон, ўзи ясаган мусиқа асбоблари ва ҳар хил болалар ўйинчоқларини, қўлёзмалар нусхаларини пештахталарга жойлаштирди. Дарвоқе, музейга келаётган ўқувчи-ёшлар томошадан ташқари, отахон яратган нодир мусиқа асбобларида куйлар чалишади.

Ўткир ПЎЛАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 30 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	56,52	1 Ирландия фунти	130,00	1 Норвегия кронаси	12,18	1 ЭКЮ	102,32
1 Австрия шиллинги	7,35	1 Исландия кронаси	1,30	1 Польша злотийси	26,63	10 Жанубий Корея вони	0,68
1 Англия фунт стерлинги	155,42	10 Испания песети	6,09	10 Португалия эскудоси	5,06	10 Япония иенаси	6,59
10 Бельгия франки	25,05	100 Италия лираси	5,24	1 Сингапур доллари	55,58	1 Россия рубли	15,08
1 Голландия гульдени	45,84	1 Канада доллари	63,63	1 СДР	124,45	1 Украина гривнаси	45,34
10 Греция драхмаси	3,06	1 Хитой юани	11,29	1000 Туркия лираси	0,35	1000 Белорусь рубли	2,50
1 Дания кронаси	13,57	1 Кувайт динори	308,65	1 Финляндия маркаси	17,01	1 Латвия лати	155,51
1 БАА дирхами	25,45	100 Ливан фунти	6,19	1 Франция франки	15,41	1 Литва лити	23,37
1 АҚШ доллари	93,46	1 Малайзия рингити	22,96	1 Швеция кронаси	11,73	1 Молдова лейи	19,71
1 Миср фунти	27,47	1 Германия маркаси	51,67	1 Швейцария франки	61,28	1 Қирғизистон соми	4,88

***) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Сайлов якунланди

Шимолий Ирландияда Миллий ассамблеяга сайловлар бўлиб ўтди. Миллий ассамблея таркиби 108 депутатдан иборат бўлиб, унга 18 округдан вакил сайланади. Бироқ, сайлов куни қаттиқ жала ва кучли шамол бўлгани тадбирнинг кўнгилдагидек ўтишига бироз халақит берди. Шундай бўлса-да, Олстернинг 70 фоиз аҳолиси сайловда иштирок этди. Кузатувчиларнинг фикрича, бу галги сайлов Шимолий Ирландия учун муҳим аҳамият касб этади. Сайлов натижалари мазкур ҳудудда тинчлик ва барқарорликка йўл очмоғи лозим.

Яхтадан наркотик модда топилди

Испания полицияси Мароккодан Нидерландияга сузиб кетаётган "Герреро" номли яхтадан 12 тонна наркотик модда топишди.

Полиция маҳкамасидан маълум қилинишича, Испаниянинг Кадис бандаргоҳидан 245 чақирим узоқликда яхта қаттиқ тўфонга дуч келган. "Герреро" экипажи уни бошқара олмай ёрдам чақирганда, Голландия ҳарбий денгиз флотига қарашли кема уларга кўмакка етиб келган. Қирғоқда полициячилар ҳар эҳтимолга қарши яхтани текшириб кўрганда, ундаги сир маълум бўлиб қолди.

Денгиздаги ҳалокат

Индонезиянинг Сумбава ва Ломбок ороллари оралиғида бир йўловчи кема ҳалокатга учради. Фожиа оқибатида 4 киши ҳалок бўлди, 48 киши дом-дараксиз йўқолди. Мазкур кемада ҳаммаси бўлиб 94 йўловчи бўлган.

1996 йил ҳам Суматра ороли яқинида йирик йўловчи кема ҳалокатга учраган эди. Ушанда бир йўла 300 киши ҳалок бўлганди. Индонезия атрофидаги сувликларда кема ҳалокатининг тез-тез содир бўлишига сабаб мамлакат транспорт компаниясининг йўловчи ва юк ташиш хавфсизлигига риоя қилинмаслигидир.

Арафот истеъфони қабул қилди

Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арафот ўз вазирлар маҳкамасининг истеъфосини қабул қилди. Арафот ўзининг Фаластин қонун чиқарувчи кенгашига ёзган мактубида яқин икки ҳафта ичида янги вазирлар маҳкамасини ташкил этишини билдирди. Унгача ҳозирги вазирлар маҳкамаси аъзолари бу вазифани бажариб туришади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, вазирлар маҳкамаси тўлиқ таркибда ўтган йилиёқ истеъфога чиқиш учун ариза берган эди. Ушанда унинг барча аъзолари коррупцияда ва ўз вазифасини суиистеъмол қилишда айбланган эди. Шундан сўнг, қонун чиқарувчи кенгаш Арафотдан маҳкамани тезроқ алмаштиришни талаб қилганди.

Йўл ҳодисалари кўпаймоқда

Қизил хоч ва қизил ярим ой халқаро жамиятлари федерациясининг сўнгги ҳисоботида айтилишича, яқин 20 йил ичида йўл-транспорт ҳодисалари кўплаб одамларнинг ўлимига сабаб бўлар эмиш. Ушбу шарҳни тайёрлаган кишининг маълумотларига кўра, дунёда юз бераётган йўл-транспорт ҳодисалари натижасида йилига 500 минг киши қурбон бўлаётир. 15 миллион киши эса оғир тан жароҳати олмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, йўл ҳодисалари натижасида ҳалок бўлаётганларнинг 70 фоизи ривожланаётган мамлакатларга тўғри келар экан. Қурбонлар орасида кўплаб пиёдалар ва велосипед ҳайдовчилари бор.

Ҳиндистон. Аёллар гурунги. *Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат*

Жанжал кана

Новокузнецкда кана можароси ҳеч кутилмаганда катта шов-шувларга сабаб бўлди. Одатда тиббиётчилар кана, умуман ҳашарот чаққан беморга зудлик билан травматология шаҳобчаларига мурожаат этишни буюради.

Яқинда новокузнецклик бир киши ўрмондан уйига қайтгач баданида билинар-билинмас кана чаққан жойни сезиб, кўпам ташвишланмади. «Тез ёрдам» чақириб кўя қолди. Аксига олиб, ранчога келган навбатчи фельдшернинг тиббий чемоданидан гаммоглобулин топилмади. Турган гап, бундан бемор ҳам, унинг яқинлари ҳам норози бўлиб, оқ халатли «халоскор аёл»га таъна тоши ёғдира кетишди. Доктор ҳам, бемор ҳам чаён чаққандай хуноби ошди. Аламига чидай олмаган доктор шаҳар прокуратурасига арз қилди: инсоний ғуруримни ҳақоратлашди!

Терговчининг айтишича, бундай жиноий иш шаҳарда биринчи бор кўрилиши экан. Бу воқеа кимнинг фойдасига ҳал бўлишини шаҳарлик тиббиётчилар динг қулоқ бўлиб кутиб туришибди.

Беморнинг аҳволи ҳақида эса қайғурувчи йўқ. «Жанжал кана» тиббиётчи ва бемор ўртасига совуқчилик тушириб кетгани қолди, холос.

Мультикни ўмаришди

Қароқчилар ҳар хил бўлишади. Бирови хонадонни шипшийдон қилса, бириси бошқа жойдан ўғирлик қилади. Москвадаги Петровка, 38-уйдаям худди шундай воқеа юз берди: «Союзмультфильм»нинг кутубхонасидан бир қанча — 131 та фомиант — катта ҳажмдаги бебаҳо китобларни гумдон қилишди.

Тунгги қоровул дарров буни пайқаб қолди. Дарҳол милицияга хабар қилди. Милиция ходимлари бўлса «Союзмультфильм» раҳбарларини юз берган ўғирлик ҳақида хабардор этганди. Шуниси қизиққи, шу қисқа вақт ичида раҳбарлар эрваниб-теврангунча «ишбилармон» китобфуруш Арбатда ўмарганининг бир қисмини пуллаб улгурганди. Китобфуруш ушланди.

Тахминларга қараганда, кутубхонадан янги пулда 25 минг рубллик қимматбаҳо китоб йўқолган. «Союзмультфильм» бошликлари ҳозирча қанча инвентарь йўқолганини аниқ билишмайди. Студияда инвентарларни ҳисоб-китоб қилиш бошланди.

Юлдузларнинг одати

Таниқли одамларга «эргашиб» ўрганиб қолганмиз. Шунданми, уларнинг кийиниши, соч турмаклаши, овқатланиши...хуллас, бари қизиқтиради.

Майкл Жексондай жаҳон эстрада юлдузи турли-туман либосларига ўзи «русум» чизиб беради. Брит Пит Голливуддаги энг «эркатой» кино актёр бўла туриб, ҳеч қачон сартарошхонага бормас экан. Соҳибжамол актриса Деми Мурдай ўғил кўриш учун халқ тиббий қўлланмаларини йиғади. Лариса Долина эстрада қўшиқчиси, машҳур. У ўзининг сарвқоматлик «сири»ни қаттиқ «сир» тутар, эркакларнинг феъл-атворини эса пайпоқ ва таққан бўйинбоғининг рангига қараб бехато айтиб беради.

Актриса Селин Дион бўлса, ажинни кўрарга кўзи йўқ. Ҳатто, саломатлигига қўл силтаб юз, кўз ости териси бўшашмаслиги учун махсус дори-дармон санчтириб юради. Гўзаллик учун «қурбонлик» шудир-да.

Мисрлик қўнғироқ овозли «уйқудаги малика» Диана Хадад эса бўш вақтини фақат ухлашга сарфларкан. Ҳинд поп юлдузи Алиша Чунай ёшини суриштирганларни ёқтирмас, фақат ҳинд миллий таомларини хуш кўради.

Машҳурлар ҳаётидан

Хуллас, машҳурлар ҳақида миш-мишлар, шов-шувлар кўп. Назаримда бунинг ажабланарли ери йўқдай.

Чунки, уларни яхши кўрамиз. Ҳаётларига қизиқсинамиз. Аслида уларнинг феъл-атворидаги мана шундай одатлари ҳар биримизга хос-ку. Айтайлик, Алла Пугачева солиқ тўлашни хушламас экан. Сиз-чи? Мен жон деб солиқчини чалғитардим, чунки бизникилар баргида юришади. Наташа Королёва шахсий турмуш масаласида «қирқтасининг қилиғи бошқа» дейди. Бизники...

Юлдузларнинг қилиғи кўп. Одатларнинг ҳам адоғи йўқдай.

Баъзан шунчаки шов-шувлар ҳам кишини ўйлантириб қўяди. Бировга, у таниқлими, оддийгина одамми тақлид, ҳаваснинг ҳеч бир ёмон томони йўқ.

Фақат бу ҳавас, ўйламайнетмай «ортидан қувиш»га айланмаса бўлди. Негадир гоҳида уларнинг маънавиятига бунчалик тақлид этавермаймиз.

Аслида серфикрли инсон ҳақиқий машҳурлик шоҳсупасига кўтарилади-да.

